



MUSICAL PROBLEMS IN ISLAM

N. Urinboev

Associate professor, candidate of philosophy

*Fergana Region Methodological Center for Education of Public Education Workers
Fergana, Uzbekistan*

G. Mirkhakimova

Master's student

*Namangan State University
Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbek, people, Islam, religion, music, tradition, discord, love, haram, mubah, mustahabb, shame, weight, aruz, poetry, tone, suspicion, probability, essence, person, ayat, hadith, narration, enjoyment, honesty.

Abstract: This article, using the example of narratives and hadiths, highlights the special role of music and musical science in human life in Islam, the peculiar views of religious figures, scientists and hadith scholars, attitudes, disputes and debates towards music and poetry.

Received: 26.08.22

Accepted: 28.08.22

Published: 30.08.22

ИСЛОМ ДИНИДА МУСИҚИЙ САНЪАТ МАСАЛАЛАРИ

Н. Ўринбоев

Доцент, фалсафа фанлари номзоди

*Фарғона вилояти Халқ Таълими Ходимларини Ўқитиш Методик Маркази
Фарғона, Ўзбекистон*

Г. Мирҳакимова

магистратура талабаси

*Наманган давлат университети
Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбек, миллий, Ислом, дин, мусиқа, анъана, ихтилоф, муҳаббат, ҳаром, мубоҳ, мустаҳаб, ҳурлик, вазн, аруз, шеър, оҳанг, гумон, эҳтимоллар, моҳият, инсон, оят, ҳадис, ривоят,

Аннотация: Ушбу мақолада Ислом динида мусиқа ва мусиқа илмининг инсон ҳаётида тутган ўзига хос ўрни, дин пешволари, уламолар ва ҳадисшунос олимларнинг ўзига хос қарашлари, мусиқа ва шеърятга бўлган муносабат, мунозара

лаззатбахшлик, ҳалоллик.

ва баҳслари ривоят ва ҳадислар мисолида
ёритиб берилган.**МУЗЫКАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ИСЛАМЕ****Н. Уринбоев***Доцент, кандидат философских наук**Ферганский областной методический центр по обучению работников народного образования**Фергана, Узбекистан***Г. Мирхакимова***студентка магистратуры**Наманганский государственный университет**Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: узбек, народ, ислам, религия, музыка, традиция, разлад, любовь, харам, мубах, мустахаб, стыд, вес, аруз, поэзия, тон, подозрение, вероятности, сущность, человек, аят, хадис, повествование, наслаждение, честность.

Аннотация: В данной статье на примере повествований и хадисов освещается особая роль музыки и музыкальной науки в жизни человека в исламе, своеобразные взгляды религиозных деятелей, ученых и хадисоведов, отношение, споры и дебаты к музыке и поэзии.

КИРИШ

Бизнинг ўзбек миллий маданиятимиз азал-азалдан исломий ғоялар билан чамбарчас боғланиб кетгани бугунги кунда ҳам ҳеч биримиз учун сир эмас. Бинобарин, унинг муҳим бир қирраси –муסיқа ҳамда муסיқа илмининг қадимий анъаналарини бор жозибаси, бўй-басти билан тиклашда исломни четлаб ўтиб бўлмайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Истиқлол шарофати боис диний эркинликлардан баҳраманд бўлаётган халқимиз энди муסיқага нисбатан қандай муносабатда бўлиш лозимлигини ҳам билиши даркор. Бу маълум маънода исломий таълим кўрган ёки шу динга этикод қўйган баъзи ёшларимиз тарбиясида айниқса зўр аҳамият касб этади. Маълумки, муסיқага муҳаббат масаласида мусулмонлар орасида айрим ихтилофлар мавжуд. Бу борада исломшунос олимларнинг хулосалари тахминан қуйидагича:

1. Ҳар қандай мусиқанинг ижроси ва истимоси яъни тингланиши мутлақо ҳаром ҳукмида;
2. Қуроллар билан куйлаш ва ўйнаш(раксга тушиш) ҳаром , қолганлари мутлақо мубоҳ ҳукмида;
3. Мутлақо мубоҳ;

4. Мубоҳгина эмас, балки мустаҳаб ҳукмида.

Ушбу нуқтаи назарлар соҳибларнинг ҳар бири ўз фикрининг исботу далилларини айтади ва муҳолифлари келтирган фикрларни рад қилади. Албатта, баҳслашувчи тарафлар нима қилиб бўлса ҳам ўз қарашлари билан рақиб томонни ютиб чиқишга уринадилар, бу уринишлар кўпинча ҳаяжон, жазава билан уйғунлашади ва шубҳали асосларнинг ҳам далиллар сирасига кириб келишига шароит туғдиради. Шунинг учун ҳам бу масалага жиддий ёндашиш, далилларни таҳлил этишда уларнинг энг ишончлиларини асос қилиб олиш лозим бўлади. Инчунун, баъзи олимларнинг ақлий асосланган ижтиҳодига, хусусий фикрларига таяниб, жами ислом аҳли билан муҳолифатга бориши хайрли оқибат эмас.

Оллоҳ ҳар бир хилқатни яратар экан, унинг сирли ботинидан албатта зоҳирида ўзига хос нишоналар берган. Бу нишоналар унинг қуввати, қобилияти, эҳтиёжи каби маънавий омилларидан далолат беради. Инсон ана шундай нишоналаридан баъзиларини ҳамиша бўрттириб кўрсатишга, айримларини эса пинҳон тутишга интилади. Мусиқа ана шундай сирли нишоналардан биридир. Уни бўрттириш ёки пинҳон тутишда ҳам, шубҳасиз, қандайдир ҳикмат бор.

Жаҳон адабий меросига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган, дунё китобхонлари тан олган машҳур адиб Чингиз Айтматов мусиқага шундай таъриф берган: “Ҳаёт –ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом –ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқа воситасида энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан ҳозиргача-бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқа воситасидагина етишганмиз. Фақат мусиқагина замонларга хос ақидаларни енгиб ўтиб, мудом келажак сари интилади...”. Бу таъриф, бизнинг назаримизда, Жалолиддин Румий асос солган маънавия тариқати ғояларини тўлдиргандек бўлади. “Дунёда ҳеч бир нарса мусиқий ва рақс янглиғ инсон руҳининг яширин қувватларини ошкор этолмас, мусиқийчалик уни майда-чуйда турмуш ташвишларидан халос этиб, ўз руҳий олами сари бўйлай олмас... Мусиқа хотин кишига ўхшайди. Уни чўри деб истифода этаркансиз, ўзингизда инсонни ухлатиб, ҳайвонни уйғотасиз. Лекин уни севишингиз, унга бирикиб, бир тўлқинда оқишингиз, шу йўсинда руҳиятингиздаги чин инсоний моҳиятни уйғотиш учун илк қадам қўйишингиз ҳам мумкин...Самоъ-уйғониш...”

Бу иқтибослар исломий ҳукмлар учун етарли даражада ишончли ҳужжат ҳисобланмаса-да, инсон хилқатига хос хусусиятларни ойдинлаштириш нуқтаи назаридан жуда ҳам қимматлидир. Асосий исломий ҳужжат сифатида эса Қуръони карим оятлари, ҳадис, ижмоъ ва қиёсга тан оламиз. Мободо, улардан бирида далолат мавжуд бўлмаса, иккинчисидан, иккинчисида бўлмаса, учинчисидан излаш мумкин бўлади. Қуръони

каримда мусиқани эшитиш мумкин ёки мумкин эмас деган оятнинг ўзи йўқ эканлигини эътироф этиш мумкин. Баъзи олимлар муташобих оятлардан хулоса чиқармоқчи бўлганлар. Аммо бу аслида мақбул иш бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, биз юқорида айтиб ўтган, Ислом динининг муқаддас китобида келтирилган “Оли Имрон” сурасининг 7-оятида бундай дейилади: “У сизга Китоб нозил қилган зотдирки, у Китобдан шу Китобнинг асл моҳияти бўлган муҳкам- аниқ-равшан оятлар ҳам ўрин олгандир. Энди дилларида ҳақ йўлдан оғиш ҳисси бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиш ва ўз ҳавойи нафсларига мувофиқ таъвил-тафсир қилиш учун Унинг муташобих оятларига эргашадилар. Шубҳасиз, аслида бундай оятларнинг таъвилини ёлғиз Оллоҳ билур...”

Юқорида келтирилган фикрларимизнинг исботи сифатида маълум ҳадис ва оятларга муружаат қилишни лозим топдик. Мусиқа сасини тинглаш ҳаром деган даъвони ақл билан исбот қилиб бўладими? Ёки бунга шаърий далил борми? Фатво китобларида келтирилган фикрлар эса сира далил бўла олмайди. Шунинг учун тахмин ёки “фалон олим ундай деган, фалон олим бундай деган” каби нақл ва ривоятлар кофий эмас. Юқорида айтганимиздек, оят ёки ҳадис каби қатъий далил келтирилмас экан, нимага асосланиб мусиқани ҳаром дейиш мумкин? Шу каби саволларга, далиллар билан, жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Масруҳ, Иброҳим, Наҳъий, Солим бин Абдуллоҳ, Ҳасан Басрий, Умар бин Шуъайб, Абдуллоҳ ибн Умар, Саъд бин Абу Ваққос, Абдуллоҳ бин Маъсуд каби олимлар шеър ва мусиқани макруҳ деб таъкидлаган бўлсалар, Имом Бухорий, Ат-Термизий ва Абу Муслим каби муҳандисларимизнинг саҳиҳ ҳадисларида, Омир бин Саъд, Абу Ҳанифа, Молик, Шофиъий, Аҳмад, Саъийд бин ал-Мусийб, Абу Юсуф, Абу Убай, Ризоуддин бин Фахриддин каби бир талай исломий алломалар асарларида мусиқа сасини тинглаш безарарлиги ҳақида айтиб ўтилган.

Ватандошимиз, буюк ҳадисшунос олим Имом Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳиҳ” (“Ишончли ҳадислар тўплами”) китобининг 3-жилдида қуйидаги иккита ҳадис келтирилган: “Раъби бинти Муаввиз ибн Афроъ (пайғамбаримизнинг завжаи покларидан) ривоят қиладилар: “Жаноб Расулуллоҳ менга қўшилмоқ бўлиб ҳузуримга кирганларида ҳозир сен ўтиргандек тўшагимга ўтирдилар. Жория қизларимиз эса доира чалиб, Бадр ғазотида шаҳид бўлган ота-боболаримиз ҳақида йиғлаб куйлай бошлайдилар. Улардан бири: “Бизнинг орамизда пайғамбаримиз ҳозирлар, ул зот эртанги кундан бохабарлар”, - дея куйлар эди. Шунда ул зот: “Бу қўшиғингни бас қилгин, аввалги қўшиғингни айтавергил!” –дедилар.(410-бет). Ҳишом ибн Урва ривоят қиладилар: “Ойша разияллоҳу

анҳо бир келинни бир ансорий куёвнинг ҳузурига кузатиб қўйдилар. Жаноб Расулulloҳ: “Эй Ойша, келинни мусиқа чалиб ўйин-кулги билан кузатиб қўйдингизларми? Ансорлар мусиқа чалиб ўйин-кулги қилишни хуш кўрадилар”- дедилар (414-бет). Бундан аниқ кўриниб турибдики, юқорида келтирилган ҳадисларда мусиқа тинглаш ман қилинмагангина эмас, балки, бизнингча, ушбу ҳадисларда ўйин –кулгига тарғиб маъноси ҳам бор.

Расулulloҳнинг ийд куни Ойша онамизга мусиқа тинглашни ман қилмаганликлари тўғрисида ҳам ҳадис борлиги маълум. Хўш, унда мусиқани харом дейишига сабаб нимада? Бунга ҳажв, ҳазил ҳамда шармсиз сўзларни сўзлашга мусиқа бир восита бўлиши мумкинлиги; мусиқа мавзун ва сажли бўлиб, унда лаззатбахшлик хусусияти мавжудлиги; аксар санъаткорлик даъвосида бўлган кишиларнинг таржимаи ҳолларида кўпинча уларга хос камчилик ва қусурлар бўрттирилиб кўрсатлиши каби эҳтимоллар асос бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир.

Ҳажв, ҳазил ёки шрмсиз сўзларни сўзлашга мусиқа восита бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳажв ва ҳазилни шармсиз сўзлар қаторида тушуниш унчалик тўғри эмас деб айтиш мумкин. Ризоуддин бин Фаҳриддин “Жавомиъ ул-калим шарҳи” да “Инна минал-баёни сеҳран на инна мина-ш-шеъри ҳикаман”(мазмун-маъноси баъзи баёнда ёки нутқда сеҳр яъни жалб этиш ва баъзи шеърда эса ҳикмат бор) ҳадисни шарҳлар экан, шеърдан кўра насрда ҳажв, ҳазил ва фаҳш сўзларнинг кўплиги, агар бундай сўзлар сабабли шеър харом бўлса, яхшиси, гапирмай жим туриш лозимлигини таъкидланганлар.

Мавзун ва сажли нарсаларни ҳам исломда харом дейишимизга асло асосимиз йўқ. Чунки мавзун ва сажли шеърлар Расулulloҳ ҳузурларида кўп бор ўқилган. Яна бир буюк ватандошимиз, ҳадисшунос олим Ризоуддин бин Фаҳриддин Термизий бундай ривоят қилганлар: “Расулulloҳ мажлисларида юз мартадан зиёдроқ иштирок этдим, бу мажлисларда саҳобалар шеър ўқиб, жоҳилият давридаги воқеалардан музокара қилардилар. Расулulloҳ уларни тинглар ва кўпинча табассум қилиб ўтирар эдилар”. Саҳиҳи Бухорийдан кўчирилган ҳадиси шарифга кўра, Расулulloҳ Ҳисон исмли шоирга : “Яна ўқи, Жаброил фаришта сенинг бирла баробардур”,-деган эканлар. Улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисаломнинг бир шоирни Жаброилдек улуғ фариштага тенглаштиришлари ҳам, шунчаки ҳазил гап бўлмаслиги керак.

ХУЛОСА

Шундай экан, шеър бошқаю, куй бошқа каби фикр билдирадиган кимсалар мумтоз араб шеъриятининг салмоқли қисми аруз вазнида ёзилганидан беҳабар бўлишлари мумкин. Аруздаги чўзиқ-қисқа ҳижоларнинг бир хилда муайян низом асосида

такрорланиши оҳангдорликни вужудга келтиради. Лаззатбахшлик ҳақида шуни таъкидлаш мумкинки, Ислом дини барча – (инсонга) ҳузур бағишлайдиган лаззатли нарсаларни ҳаром қилмаган. Шулар қаторида шеър ҳам куй ҳам вазн асосига қурилган бўлиб, уларнинг бири ҳаром, бири мубоҳ булиши мумкин эмас. Ҳаттоки, яхши куй қушларнинг хандон сайрашига тенглашилиши ҳам бежиз эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т. “Ўзбекистон”, 2021.
2. Қуръони Карим. Ўзбек тилида. Изоҳли таржима. Алоуддин Мансур.”Шарқ нашриёти”, 1992.
3. М. Жакбаров. Комил инсон ғояси: тарихий – фалсафий таҳлил. Т.”Абу Али Ибн Сино” нашриёти, 2000.
4. Ҳадислар.Тошкент.”Фан нашриёти”, 2000.
5. Имом Бухорий. Ишончли ҳадислар тўплами.Тошкент.”Фан нашриёти”, 1996.
6. Ат Термизий. Ҳадиси Термизий.Тошкент.”Маънавият”. 1994.
7. Lafasov, U. P. (2022). BASICS OF LANGUAGE SCIENCE AMONG UZBEKS. *Oriental Journal of Education*, 9-12.
8. Хайдаров, И. М., & Каримов, Н. Р. (2017). Classification of the scientific heritage of Hakim Tirmidhi. In *European research* (pp. 28-31).